



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Бахтигул Мамадаминова<sup>1</sup>, Мафтуна Рўзибоева<sup>2</sup>**

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” миллий тадқиқот университети**  
**доценти**  
**<sup>2</sup> 2-босқич талабаси**

**ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ВА ОҚИЛОНА  
ФОЙДАЛАНИШДА ИНСОН МАЊНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация:** Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасида миллий қадрият ва мањнавиятимиз тикланди. Уни асраш ва ривожлантириш масаласи давлатимиз ички сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Маълумки, ҳалқимиз қарамлик даврида барча қийинчиликларга, тарихнинг оғир синовларига бардош бериб, ўзлигини йўқотмасдан, тилини, динини, иймон ва эътиқодини сақлаб қолди. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар миллий ўзлигимизни англаш жараёнларига самарали таъсир этмоқда.

**Калит сўзлар:** Мањнавият, қадрият, тарих, аждодлар, жамият, аграр соҳа, ер ва сув ресурслари, ислоҳот, дехқон хўжаликлари, фермерлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг натижасида миллий қадрият ва мањнавиятимиз тикланди. Уни асраш ва ривожлантириш масаласи давлатимиз ички сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар миллий ўзлигимизни англаш жараёнларига самарали таъсир этмоқда. Аждодларимиз томонидан қолдирилган мањнавий меросни, маданий бойликларни ва кўхна тарихий ёдгорликларни ўрганиш, асраш, бугунги ва келажак олдида маъсулликни англаб, тегишли хulosса чиқариш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Маълумки, халқимиз қарамлик даврида барча қийинчиликларга, тарихнинг оғир синовлариға бардош бериб, ўзлигини йўқотмасдан, тилини, динини, иймон ва эътиқодини сақлаб қолди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, халқимизнинг асрлар синовида яна кучайиб, тобланиб борган мустаҳкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимизни, шунингдек, миллий ўзлигимизни сақлаб қолишга асос бўлди. [1]

Жамиятимизнинг барча соҳаларида содир этилаётган туб ўзгариш, жараёнлари инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

Маънавият тушунчаси арабчада маънолар мажмууни англатиб кишиларнинг фалсафий, ҳукукий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият тушунчасига қўплаб таърифлар берилган. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”, деб изоҳлаганлар [2]. Унга кўра инсон, табиатга, одамларга яқин бўлиши, доимо яхшиликни ўйлаб яшаши, ҳалол меҳнат қилиши, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиши лозим. Ватан туйғуси билан яшаш, ўзгалар дардига дармон бўлиш инсон маънавиятининг юксалишига ижобий таъсир этади.

Ўзбекистонда ҳукукий, демократик давлат барпо этилди. Фуқаролик жамиятининг асослари яратилмоқда. Жамиятда сиёсий ва демократик институтлар ривожланмоқда. Демократик тамойиллар жамият ҳаётида ўз ифодасини тўлиқ топмоқда. Ана шу шартшароитлар мамлакатимизда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун муҳим омил бўлди.

Ўзбекистонда инсон маънавиятини юксалтириш концепцияси қучли давлатдан кучли жамиятга ўтишнинг муҳим шартларидан бирига айланди. Чунки, Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек, маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги, куч-қудрати эканлиги, шунингдек ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қандай одамийлик, меҳр-оқибат, баҳт ва саодат бўлмайди. “Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак” – дейди Ислом Каримов.[3]

Демак, бугунги кунда ҳар бир фуқаро, ёки ходим қайси соҳада, қайси лавозимда фаолият қўрсатмасин, албатта биринчи навбатда ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етмоғи лозим. Ўзлигини англаган инсон оиласига, хўжалигига, давлат ва жамиятга фойда келтириш орқали жамиятда ўз ўрнини топа олади. Виждони пок, иймон-эътиқоди мустаҳкам инсон табиий бойликлардан бўлмиш ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қиласиди. Унда тежамкорлик маданияти аста-секин шаклланиб боради.

Агар сиёсатни амалга оширишдаги эришилган муҳим ютуқлардан бири – бу фермер хўжалигининг ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланганидир. Бугунги кунда фермерларнинг онги тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига эгалик ҳиссиятнинг ва ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигининг тобора ошиб бораётганлиги ғоят қувонарли ҳолдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, одамларнинг онги ва дунёқарashi тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва

сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият ҳисси кучаймоқда.

Масъулият туйғусининг кучайиши жараёнлари, бизнинг назаримизда энг аввало инсон маънавияти даражасига боғлиқ бўлади. Маънавий жиҳатдан қашшоқ айрим инсонлар ўз сўзининг устидан чиқмайди, қабул қилган шартнома ва берган ваъдаларини бажармайдилар. Шунингдек, онгли равишда қонун бузилишининг содир бўлишига йўл очадилар. Жамиятдаги ўзгаришларга ўз муносабатини тўғри билдира олмайдилар. Мамлакатимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларини ўз тафаккуридан келиб чикиб тўғри баҳолашга ожизлик қиласди.

Инсон ўзини халқнинг ажралмас бир бўлраги деб ҳисоблаб, бу ҳақда фикрлаб, ҳалол меҳнат қилиб ҳаёт кечирсагина маънавият билан тулашади.

Собиқ мустабид тузум даврида ер ва сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари кўпгина кўнгилсиз оқибатларга олиб келди. Оролнинг экологик ҳалокати жаҳон миқёсида инсониятга хавф солиб туроётган фожиа деб эътироф этилганлиги, боз устига Ўрта Осиё минтақасининг сув ресурслари ҳажми йилдан йилга камайиб бораётганлиги қатор муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқликда бўлганидек, яшаш муҳити табиат ва маънавият экологияси ҳам бир-биридан ажралмасдир. Ер майдонларининг ёроқсиз ҳолга келиши, сувнинг ифлосланиши ва истроф бўлиши, экологик вазиятнинг кескинлашуви сабаблари аксарият ҳолларда инсоннинг табиатга ва ўзининг бурчига нисбатан бўлган муносабатига боғлиқ бўлаётганлиги ёққол сезилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар шунчаки ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилмоқда. Ислоҳотлар марказида инсон манфаати, ҳуқуклари ва эркинлиги турганлиги бежиз эмас.

Мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтилган ҳар бир йил одамларга ислоҳотларнинг маъно-моҳиятини тушунтириш орқали уларда келажакка ишонч уйғотишида муҳим роль ўйнамоқда. Аниқроқ қилиб ифодалайдиган бўлсак, Ўзбекистоннинг ислоҳотлар сиёсатида маънавий мезонлар ҳал қилувчи омил бўляпти. Эски мустабид тузумдан янги бозор муносабатларига асосланувчи демократик жамиятга ўтишда ҳеч қандай “сакрашларсиз” ҳалқимизнинг хоҳиш-иродаси мамлакатимиздаги ҳақиқий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда оғир-вазминлик билан ҳар томонлама ўйланган, асосланган сиёсат олиб борилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Аграр соҳада ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўтган даврдаги энг муҳим самараси қишлоқ аҳолисининг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнларида ўз ифодасини топди. Мустақилликнинг дастлабки икки йилида 2,5 миллион оила биринчи марта ер участкаларини олдилар. Томорқа участкаларининг ўртача ҳажми 20 сотидан ошди. Шубҳасиз бу аграр сиёсатдаги катта ютуқdir. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичларидан бошлабоқ дехқонлар ўзларига ажратиб берилган ҳақиқий эгаси эканлигини ҳис этабошладилар.

Бугунги миришкор дехқонларимиз шунга эътибор беришлари лозимки, маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмасдан, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Ана шу ўзаро боғлиқлик тамойилига риоя қилинса фермер хўжаликлари раисларининг маънавияти даражаси янада юқасалади. Лекин, Биринчи Президент таъкидлаганларидек, маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбida камол топиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат

қилиш керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлийди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.[4]

Аждодларимиз қадимдан суғорма дехқончилик технологиясини яратиб ер ва сув ресурсларидан унимли, оқилона фойдаланиши борасида бой тажриба орттириб халқимиз тарихида ўчмас из қолдирганлар.

Биз ўрганаётган муаммонинг илмий таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган сиёsatнинг натижаси, энг аввало бу соҳага ажратилган маблағларни сарфлашда, техника воситаларидан самарали фойдаланишда илғор-технологияларни қўллашда, одамларда тажрибанинг етарли даражада бўлишилиги, уларнинг онгли муносабатда ва масъулияти бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айниқса одамларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданияти ҳамда ҳуқуқий саводхонлик даражасининг замон талаби даражасида бўлишилиги ўзига хос роль ўйнайди.

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши туфайли жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга ошаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон фуқароларида мулкка эгалик ҳиссиётини уйғотишда жуда катта роль ўйнамоқда. Мамлакатимизда ерга эгалик муносабатининг шаклланиши ва ривожланиши аграр соҳага қаратилган сиёsatга, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг “миллий иқтисодий маданият”, “иқтисодий маданият”, “миллий иқтисодий онг”, “ҳуқуқий онг”, “ҳуқуқий маданият”, “сиёсий онг”, “сиёсий маданият” каби тушунчалар моҳиятини англаб етиш даражасига ҳам боғлиқлигини кундалик ҳаётимизнинг ўзи исбот қилмоқда. Бизнинг фикримизча, ҳар бир фуқаронинг қайси лавозимда, қайси соҳада ким бўлиб ишлашидан қатъий назар, миллий ва давлат манфаатлари устиворлиги тамойилига амал қилишлари лозим. Амалиётда шахсий манфаат билан давлат ва миллат манфаати уйғунлашгандагина ривожланиш, янгиланиш жараёнлари жамият тараққиётига самарали таъсир эта олади.

Бугунги фермерлар, дехқонлар ва тадбиркор жамиятнинг сиёсий соҳадаги муҳим ўзгаришлардан, сиёсий воқелиқдан ўз вақтида хабардор бўлишлари ва уларга ўз муносабатини билдира олишларини ҳаёт талаб этмоқда. Бунинг учун биринчидан, уларда сиёсий онг даражаси баланд бўлишликни талаб этади.

Сиёсий онг – муайян индивид, груп, қатламлар томонидан сиёсий соҳани англаши, тасаввурлари, билимлари, баҳолаш тизими сифатида инсон камолатида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, инсон сиёсий онгининг шаклланиши ва ривожланишида унинг оиласи мухити муҳим ўрин тутади. Чунки сиёсий ғоялар ва ҳиссиётлар унга оиласидаги тарбия орқали берилади. Инсон тарбиясига зид келмайдиган ижтимоий-руҳий қарашлар табиийки онгнинг пойдеворини ташкил этади. Унинг негизида фуқаро шахси шаклланади. Шу боис мустақиллик йилларида оила институтининг ролини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини бежиз эмас. Мустаҳкам оилалардан мустаҳкам жамият пайдо бўлади.

Хулоса ўрнида, маълумки ҳар қандай ислоҳотлар, жумладан иқтисодий ислоҳотлар муайян қонунлар асосида амалга оширилади. Давлатимиз сиёsatининг моҳиятини мамлакатимиздаги мавжуд имконият (омиллар)ни иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга йўналтириш ташкил этади. “Республикамиздаги ҳар бир раҳбар, ҳар бир

ходим, илғор фикрловчи ҳар бир одам ислоҳотлар ғояси билан яшashi керак” – деб таъкидлайди И.Каримов<sup>2</sup>.[5]

## Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008 й. 26-бет.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008 й. 19-бет.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008 й. 29-бет.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 81-бет
5. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. –Т.: “Ўзбекистон”. 1993, 5-бет.
6. Abdupattayevna, M. B. . (2022). Economic Life in Khorezm in 1921-1924. And Processes in Cotton Growing. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 15, 343-346.
7. Abdupattaevna, B. M. . (2022). At the Beginning of the XX Century, The Social and Political Events in Khorezm. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 4, 150-153.